



YOSHLAR OVOZI

9-APREL — AMIR TEMUR TAVALLUD TOPGAN KUN



СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ

Пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбонида буюк бобокалонимиз таваллудининг 683 йиллигига бағишланган маърифий тадбир ўтказилди

Унда сенаторлар, депутатлар, олимлар, ёзувчи ва шоирлар, давлат ва жамоат арбоблари, санъат ва маданият намоёндалари, темурийшунос олимлар, ҳарбийлар, ёшлар, кенг жамоатчилик, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказлари, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар Амир Темур нафақат қудратли давлат асосчиси, балки илм-фан, маданият ва маънавият соҳиб, дунё цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган буюк бунёдкор инсон бўлганини алоҳида

таъкидлади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюмаси раисининг биринчи ўринбосари Минхожиддин Мирзо ўзининг “Соҳибқирон ёдуси” асаридан парча ўқиб берди. Айниқса, филология фанлари доктори, таржимон Баҳолиддин Ғарбий Европа халқлари адабиёти тарихида Амир Темур ҳақида яратилган асарларни таҳлил қилиш ва уларда Соҳибқирон сиймосини талкин этишга қаратилган маърузаси барчада катта қизиқиш уйғотди.

Шундан сўнг куй ва қўшиқлар салоси остида ҳарбийлар Амир Темур ҳайкали пойига гулч амбарлар қўйди.


Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентини маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

Шу кун иштирокчилар Темурийлар тарихи давлат музейига ҳам ташриф буюрди. Бу ерда музей ходимлари меҳмонларга темурийлар даврига оид маданий ёдгорликлар ҳақида маълумот берди.

(Амир Темур фаолияти ва ҳаёти ҳақидаги қизиқарли материаллар билан 3-саҳифада танишасиз.)

Жамшид МУСУРМОНОВ

5 ТА ТАШАББУСГА 500 НАФАР ХАЙРИХОҲ



Жиззахда Ёшлар иттифоқининг вилоят кенгаши ҳамда “Kamalak” болалар ташкилоти ташаббуси билан “Сардорлар беш ташаббусни қўллаб-қувватлайди” номли тарғибот акцияси ўтказилди.

Унда туман ва шаҳарларнинг сардорлар кенгашлари аъзолари, мактаб сардорлари, фаол ўқувчилар иштирок этди.

Лойиха Президентимиз илгари сурган ёшлар маънавиятини оширишга доир бешта муҳим ташаббусни сардорлар ўртасида

кенг тарғиб қилишга қаратилди. Акция давомида иштирокчилар Иттифок Марказий Кенгаши раисининг сардорлар масаласи бўйича маслаҳатчиси билан очик мулоқот қилди. Янги лойиҳалар юзасидан фикр алмашилди.

— Бугун бешта муҳим ташаббусни 500 нафардан зиёд сардорга бола тилида, қизиқарли ўйинлар тарзида тушуниришга ҳаракат қилинмоқда, — дейди вилоят “Kamalak” болалар ташкилоти раиси Шохидда Даманова. — Чунки эртага улар бу ғояларни тенгдошларига етказиши ҳамда ҳаётга тағбиқ этиши керак бўлади.

Бешта шартли бекатда сардорларни ҳар бир ташаббус бўйича тузилган савол ва топшириқлар кутиб турарди. Барча шартларни аъло даражада бажарган сардорларга бадий адабиётлар совға қилинди. Шундан кейин махсус виборинга ғолибларига ҳам даста-даста китоблар улашилди.

Концерт дастури, тасвирий ва амалий санъат асарлари кўргазмаси, миллий спорт турлари бўйича мусобақалар тадбирининг янада файзли ўтишига хизмат қилди.

Элдор НАВРЎЗОВ.
Муаллиф олган сурат.

YOSHLAR PRESS-KLUBIDA

Ёшлар пресс-клубида “Мустақкам ва соғлом оилани барпо этамиз!” шиори остида Тошкент шаҳар конференцияси бўлиб ўтди.

ОИЛА МУСТАҚКАМ БЎЛСИН

Ёшларни оиллага тайёрлаш, уларга психологик ва ҳуқуқий кўмак беришга қаратилган тадбирда шаҳар ҳокимлиги, Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, “Оила” маркази вакиллари, ФХДЭ органлари ходимлари ва ёшлар иштирок этди.

Айтиш керак, бугунги кунда мамлакатимизда ёш оилалар сони икки миллиондан ортик. 2019 йилнинг ўтган даври мобайнида республикамиз бўйлаб ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ажримларни бартараф этиш мақсадида ўтказилган 550 дан ортиқ тарғибот тадбирида 66 минг нафардан зиёд йигит-қиз иштирок этди.

Шунингдек, 687 та ажрим ёқасидаги ёш оилалар яраштирилди, 844 та кам таъминланган оиллага моддий кўмак кўрсатилди.

Ёшларни ўқитиш, мазкур конференция апрель-май ойда республиканинг барча ҳудудларида тизимли равишда ўтказилди.

Шахноза НУРУЛЛАЕВА

QADRIYAT

Бахшичилик санъати: НАВҚИРОН ОВОЗЛАР КЕРАК

“Йигит аслин билай десангиз,
маърақада ўтириб-туришин кўринг”.

Махтумқулининг бу мисрасини бутун элга нисбатан ҳам ишлатиш мумкин. Тўй-тантаналарда ютуғу камчилигимиз яққол кўзга ташланиб қолади. Муаммолар аста-секин бартараф этиб борилиши билан янада ривожланамиз. Акс ҳолда, бир жойда депсиниб қолиш ҳеч гапмас.

Халқаро бахшичилик санъати фестивалида кўп йиллар эътиборсиз қолган халқ оғзаки ижрочилик йўналишида авлодлар узвийлигидаги узилтиш, навқирон овозлар етишмаслиги сезилди. Қардош халқлар билан солиштирилганда бу ҳолат яна ҳам аниқ кўринди. Ёш қорақалпоқ ва қозоқ ижрочилар саз чертишдаги маҳорати, жарангдор овози билан томошабинлар эътиборини қозонди. Бизда эса бахшичилик санъатининг юки асосан ёши улуг отахонлар зиммасида қолган. Ўрта авлод ва ёшлар орасида достонларни яхши билладиганлари қамалиб кетяпти.

Бахшичилик мураккаб ижро. Бир бахши ҳам сўзни, ҳам сони мукамал эгаллаш, минглаб мисрали достонларни хотирасида сақлаб, энг муносиб сахна, диалог, сўз ва ибораларни топкирлик билан тақдим этиши, дўмбирани сайратиш орқали кўнгил торларини ҳам чертиши, ўрни-ўрнида асар қаҳрамонларининг хатти-харақатларини муқом қилиб кўрсатиши талаб этилади. Бинобарин, бахшида шоир-ёзувчининг истеъдоди, олимнинг билими, созланиш маҳорати, қизиқчининг топкирлиги, актёрнинг қобилияти жамулжам бўлиши зарур. Шунинг учун устоз-шогирдлик анъанасини давом эт-



тирмасдан бу санъатни пухта эгаллаш мушкул. Ҳозир эпос куйлайдиган бахшиларимиз санокли, улар ҳам ўттиз-қиркка достон билан, деб мактанса-да, амалда уч-тўрттадан нари ўтмайди. Бундай вазиятда ёш авлод Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Муҳаммад Жонмурод ўғли Пулкан, Исом Назар ўғли каби етуқ достончиларимиздан ёзиб олинми, нашр этилган китоблардан ўрганишига тўғри келади. Қолиб бахши ҳам ўз ижодида устозларидан эшитган ва китоблардан ўқиган билимларини усталик билан уйғунлаштирган эди.

Халқаро бахшичилик санъ-

ати фестивалида дўмбира кўтарган қўллаб ҳавасманд ёшларни кўриб, қувондик. Аксарияти ҳозирча юрт мадҳига бағишланган термаларинигина айта-да, ҳар икки йилда ўтказилган бахшилар байрамига тайёрларлик асносида бир кун маҳоратли достончилар бўлиб етишишига ишонинг келади.

Халқаро бахшичилик санъати фестивали жуда катта тантаналар билан ўтгани кўнгилда чексиз қувонч уйғотди.

Бахшичилик санъатида амалиёт билан бирга назарий асосни ҳам мустақамлаш талаб этилади. “Жаҳон цивилизациясида бахшичилик санъатининг ўрни” мавзусидаги халқаро анжумани “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказида эмас, Термиз давлат университетида ўтказиш ва кўпроқ талабаларни кузатувчи сифатида жалб қилиш керак эди. Халқаро фестиваль ҳар икки йилда ўтказилса, Сурхондарё ўз-ўзидан жаҳон эпос ижрочилиги санъати ўчоғига айланади боради. Ушбу жараёнда Термиз давлат университети бахшичиликнинг илмий-назарий марказини шакллантириш йўлида жиддий изланишга тўғри келади.

ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти олимларининг салоҳиятидан унумли фойдаланиш, воҳада ҳам ёш фольклоршуносларни тарбиялаш ниҳоятда зарур.

Катта йўлнинг бошида-миз. Ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан пухта бўлиб, бу хайрли иш бардавонлигини таъминлашга ҳар биримиз муносиб ҳисса қўшишимиз керак.

Фаррух ЖАББОРОВ,
тадқиқотчи

ҚАЙНАР БУЛОҚНИ ТЎХТАТИБ БЎЛМАЙДИ

Тўра МИРЗАЕВ, фольклоршунос олим, академик:



— Маданий ҳаётимизда катта воқеа рўй берди. Юртимизда биринчи марта Халқаро бахшичилик санъати фестивали ўтказилмоқда. Бугун ўзбек фольклор санъати шу қадар эъзоз топаётганидан бениҳоят хурсандман.

Термиз шаҳридаги Санъат саройи атрофида ташкил қилинган барча вилоятларнинг павильонларида нафақат достончилик, балки халқ ижодининг бошқа йўналишларини ҳам кўриш мумкин. Биласизми,

барчасининг бир жойга жамлангани тарихимизни мисли жонланган юборди, назаримда.

Мана шундай бетақдор манзарани томоша қилар экан, фестиваль меҳмонлари, хоррий ва маҳаллий сайёҳлар боқий кадрларимиз билан бевоқифа танишиш имконига эга бўлмоқда.

Халқаро фестивалнинг очилиш маросимида Президентимиз нутқ сўзлаб, бахшичилик санъатининг инсоният маънавий қамолотида тутган ўрни ҳамда истиқболга доир муҳим вазифаларни белгилаб берди. Достончиликнинг кейинги тақдири ҳақида ғоят қимматли фикрларни билдирди. Буни биз, олимлар ўзимизга дастуриламал сифатида қабул қилдик.

Бахшичиликни қайнар бўлмаққа ўхшатиш мумкин. Бу жўшқин ижодий жараёни бир зум ҳам тўхтатиб бўлмайди.

Мамлакатимизда “Халқ бах-

(Фестиваль ҳақидаги хорийлик меҳмонлар ва юртдошларимизнинг фикрлари билан 2-саҳифада танишасиз.)

ФЕСТИВАЛЬ ХОРИЖЛИК ЖУРНАЛИСТЛАР НИГОҲИДА

Jean MUSY, Швейцария ва Лихтенштейндаги хорижий OAB ассоциацияси президенти (Швейцария):

— Ўзбекистондаги ўзгаришлар мени нихоятда хайратлангирмоқда. Бу юрт маланияти ва тарихи, кадрияти, мусикаси, кўшиқлари мен учун кизик. Айниқса, тарихий кўшиқларни ёзиб олиш, уларни ўрганиш ва тўплаш кўп йиллик фаолиятимнинг бир бўлаги ҳисобланади. Термизда ўтказилаётган Халқаро бахшичилик фестивалига бўлган кизикишимнинг ҳам асоси шунда. Фестивалдаги ранг-баранг ижролар, ҳар бир ҳудудга хос бўлган кўшиқлар, либослар, миллий таомлар ва халқ ўйинларини кузатиб, юртингизга яна келиш истаги уйғонди.



Zhou MINGYANG, (Хитой):

— Ўзбекистонда мен гувоҳ бўлаётганларим кутганларимдан ҳам яхши. Одамларнинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббати, кўмакдош экани мени хурсанд этмоқда. Айтишим керак, маданиятларимиз ўртасидаги яқинлик ва фарқларни фестиваль орқали яққол кўришимиз мумкин. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар мингйилликлар давомида ривожланган. Халқаро бахшичилик санъати фестивалидаги иштирок ва жонли ижродаги санъат намуналари менга завқ бағишламоқда.



Dos Santos Borges Ferreira Carlos ALBERTO (Португалия):

— Юртингизга биринчи бор келишим. Бахшичилик дунёда кам сақланиб қолган санъатлардан бири. Менга бахшилар шунчаки ижрочилар эмас, балки ижодкор, шоир эканини айттишди. Ўзлари ҳам асарлар яратиш, ижро этишар экан. Ажойиб-ку! Бизда ҳам шундай уринишлар бор. Иккита фестивалимиз айнан қадимий ижрочилик санъатини сақлаб қолиш мақсадида ўтказилади. Шарқ халқлари маданиятининг ажралмас бўлаги ҳисобланган бахшичилик санъати ва халқ ижодиётининг тарихий илдизларини ўрганишни хошлайман. Фестиваль доирасида ташкил этиладиган саҳнатлар орқали кўпроқ маълумотлар олоқчиман.



Наргиза РАХМАТУЛЛАЕВА

Гавҳар ЗОКИРОВА, Ўзбекистон халқ артисти:



— Бахшнинг дўмбирасидан таралаётган куй, унинг ширали овози ҳар қандай киши калбини мафтун этади. Бу — мўъжиза! Ва унинг асрлар давомида яшаб келаётганини ҳам бир мўъжиза, дейиш мумкин. Юртимизда бахшичилик санъатига бағишланган халқаро фестивалнинг ташкил этилиши биз, ижодкорларни нихоятда қувонтирди. Буни қарангки, бахшичилик нафақат Сурхондарё, Қашқадарё ёки Хоразмда, ҳатто Европада ҳам бор экан. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпосларининг бош образлари — Алпомиш ва Гўрўглидан бугунги ёшлар Ватанини севиш, жасорат кўрсатиш, халқига вафодор бўлишни ўрганган. Бундай забардаст асарларни ўқиб, эшитиб улғайган авлод кам бўлмайди! Демак, халқ оғзаки ижодини ўрганиш келажгимиз учун жуда муҳим.

Рифатилла ҚОСИМОВ, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори:

— Асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бахшичилик анъаналари халқимизнинг жону дилига сингиб кетгани, сермахсуллик билан алоҳида аҳамият касб этади. Ўтган асрда яшаб ижод қилган Бола бахши ва унинг шогирди Комилжон Отаниёзов ҳам шу бебаҳо санъатдан озиқланиб, кейинчалик ҳофиз мақомига эришган, халқ меҳрини қозонган. Улар Хоразм мақомларини моҳирлик билан ижро этибгина қолмай, бастакор сифатида мумтоз куй-кўшиқлар яратганини ҳам биламиз. Ўйлайманки, Сурхондарёда ўтказилаётган фестиваль ёшлар орасидан ҳам кўплаб янги истеъдодлар — соҳир овоз эгаларини кашф этишга хизмат қилади.



Қолаверса, ушбу гўзал анжуман замирида ёш авлоднинг миллий қадриятларга ҳурматини оширишдек эзгу мақсад ётибди. Бундай тарбия, албатта, ширин мева беражак. Бахшичилик санъатига ошно бўлган йигит-қизларимиз келгусида уни янада ривожлантириш йўлида самарали меҳнат қилишига ишонаман.

Матлуба ДАДАБОВА, Ўзбекистон халқ артисти:



— Бола пайтимизда бувиларимиз:

*Гўрўглибек ўзи галсин дебди,
Ўзи галиб мени гўрсин дебди,
Салониб олдинода юрсин дебди,
Гўзал ёрдан манга салом галибди,
Гўзал ёрдан манга салом галибди,*

дея бизга дostonлар айтиб берарди. Ўша дамларни эсласам, тўлқинланиб кетаман. Мен учун бу нихоятда ширин хотиралар. Халқ меҳридан яралган олтин меросни кўзга тўтиб айлаб, ёшларга “Ота-боболаринг мана шундай дostonлар, кўшиқлар, мақомлар айтиб, ўзбекни бутун дунёга таъинган”, деб ўқитишимиз, шу аснода уларнинг калбига кириб боришимиз керак. Қайси юртга бормай: “Мен ўзбек фарзандиман!” деб бошимни мағрур тутиб юраман. Чунки ўзбек нихоятда маърифатли халқ. Ўзбек ўзининг куй-кўшиқларини севади, соғинади, ардоқлайди. Сабаби уларда бутун тарих мужжасам.

Ғайрат МАҲИДОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари:

— Миллат кифасини намойиш этадиган санъат турларидан бири — бахшичилик. Тўғри, у бошқа халқларда ҳам бор. Лекин ўзбек бахшичилигини жуда катта мактаб дейишга ҳақимиз.

Бир сафар Қодир бахши Франциядаги фестивалда иштирок этиганида унга ўз термаларини ижро этиш учун атиги уч дақиқа вақт ажратилган экан. Кейин эса, зал ўзбекистонлик санъаткорни нақ ўн дақиқа давомида тик оёқда туриб олқишлаган. Бахшига хатто: “Ҳақиқатан ҳам шунингиз ижро этдингизми, одамзод бундай кўшиқ айтиши мумкинми?!” деган саволлар билан мурожаат қилинган экан.

Мана, қандай гўзал ва мухташам санъатимиз бор! Аммо сўнгги йилларда уни бирмунча унутиб қўйдик. Тўй ва бошқа йиғинларга ҳам бахшилар деярли таклиф қилинмаётгани. Бахшичилик мактабларини ташкил этиш, қолаверса, Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказишга доир қарорлар эълон қилингандан кейин эса, вазият ўзгарди. Йўқолиб кетаётган анъаналар яна халқ орасида оммалашмоқда. Мен бахшиларимиз яна узок вақт дунёни хайратга солишига ишонаман.



Амир Темурнинг 683 йиллик юбилейи республикаимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда.

САҲНАДА “ТУЗУКЛАР” ИЖРОСИ

Қуни кеча Навоий шаҳридаги Ёшлар марказида Соҳибқирон хотирасига бағишланган маърифий тадбир ташкил қилинди. Унинг доирасида ўқувчилар бобомиз сиймоси гавдалантирилган саҳна кўришларини намойиш этиб, расмлар танлови ҳамда кўرғазмаларда қатнашди.

“Темур тузуклари”дан парчалар ўқилди. Ватанини мадҳ этувчи куй-кўшиқлар эса, йигит-қизларнинг шилжотинини янада оширди.

Маърифий тадбирлар вилоят бўйлаб давом этмоқда.

Рохатой ҚОДИРОВА

NUQTAYI NAZAR

ТИЛ ҲАЛҚЧИЛ БЎЛСА...

Дунё яралгандан буён барча дин вакиллари ибодатхонага қурол билан киришга ботинмаган. Гарчанд у бошқа диннинг саждагоҳи бўлса ҳам. Шу боис ҳам жангу жадал пайтида аёллар ва болалар ибодатхоналарда жон сақлаган. Яқинда Янги Зеландияда юз берган хунрезлик эса, нафақат мусулмон, балки бутун инсониятни ларзага солди. Айни пайтда террорнинг дин ва миллат танламаслиги ва унинг нақадар тубан иллат эканини яна бир бор исботлади.

Дарҳақиқат, террор қутилмаганда, исталган шаклда намойиш бўлиши мумкин. Бир сония ҳам ҳушёрликни йўқотмай, аҳоли, айниқса, ёшлар орасида у ҳақида тарғибот ишларини олиб бориш билан унинг олдини олиш мумкин.

Юртимизда бу борада қатор амалий ишлар бажарилмоқда. Хусусан, Президентимиз 2018 йил 30 июль куни бу борада “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни имзолаганди. Ушбу ҳужжатда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳамда жамиятда экстремизмга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш белгиланган. Бунинг учун жамоатчилик орасида тушунтириш ишлари-

ни олиб бориш, жараёнда ҳуқуқий тарбия ва таълим ташкил этилиб, экстремизмга қарши курашиш бўйича ўқув-услубий ва илмий адабиётлар яратиш кўзда тутилган. Бунда, албатта, миллий анъаналарга садоқат, маънавий, ахлоқий ҳамда ватанпарварлик руҳидаги тарбияга алоҳида эътибор қаратилади. Баъзан қора қучлар домига тушган ёшлар бунинг оқибати яхшилик билан тугамаслигини, хатогоа йўл қўйганини билса ҳам, энди ортага йўл йўқ, деб ўйлайди. Улар қонуни олдида жавоб беришдан қўрқадилар ва хато қилишда давом этади. Қо-

нунда эса, шахс экстремистик фаолиятда иштирок этиши ўз ихтиёри билан рад этиб, бу ҳақда тегишли давлат органига хабар берса, қутилаётган экстремистик ҳаракатнинг олдини олишда фаол кўмаклашса, қонун ҳужжатларига мувофиқ, жавобгарликдан озод этилади. Қонундан беҳабар фуқаро эса, юқорида айтилгани каби жавобгарликдан қўчиб, хато йўлда давом этиши ҳам мумкин. Шу боис аҳоли орасида қонун ҳужжатларини кўпроқ халқчил иборалар ҳамда ҳаётий мисоллар ила тарғиб қилиш керак. Шундагина у барча учун бирдек тушунарли бўлади. Қонун билан фуқаро унга риоя қилишни ҳам, агар бунинг аксига йўл қўйса, жазо муқаррарлигини ҳам яхши англайди.

Дунёнинг иқтисоди ва армияси ривожланган мамлакатлари ҳам бу хавфдан холи эмаслиги аллақачон исботланган. Демак, чегара билмас иллатга қарши фақатгина оғоҳлик билан самарали курашиш мумкин. Шундай экан, қандай даврга ва вазифада бўлишимиздан қатъи назар, бу борада ўзаро камарбаста бўлишимиз керак.

Жўрабек МАХСУДОВ,
Чилонзор тумани адлия бўлими бошлиғи,
Суннатилла РАҲМОНОВ,
Чилонзор тумани адлия бўлими бош маслаҳатчиси

САФ ТОРТДИ ТЕМУРНИНГ ВОРИСЛАРИ

Соҳибқирон бобомизнинг шонли хотирасига бағишланган яна бир ёрқин лойиҳа Ёшлар иттифоқининг Жиззах вилояти кенгаши ташаббуси билан амалга оширилди.



“Амир Темурга муносиб авлод бўлашим!”

шиори остидаги ҳарбийлар ва ёшлар парадини ташкил этишда Мудофиа вазирлиги, Миллий гвардия, халқ таълими ҳамда маданият бошқармалари ҳам бош қўшди. Унда салкам минг нафар марл ўғлон қатнашди.

Вилоят марказидаги Ёшлар шаҳарчасида бўлиб ўтган антика намойишни Жиззах академик лицейи ҳамда “Темурийлар издоши” нодавлат таълим муассасаси ўқувчилари ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги кўрғазмали чиқишлари билан бошлаб берди.



Шундан кейин парад иштирокчилари сафга тизилиб, Ш.Рашидов шох кўчасидан И.Каримов кўчаси томон ҳаракатланди. Бир вақтнинг ўзида Жиззах муסיқали драма театри актёрлари тарихий либосларни кийиб чикқан ҳолда йиғилганлар кўз ўрнида Амир Темур даврини гавдалантирди. Бундай томоша барчада унутилмас таассурот қолдирди.

Малик СИНДОРОВ

SHU SONGA XABAR

ЙИГИТНИНГ СЎЗИ ҚАСАМ

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг барча бўлинмалари, ҳарбий қисм ва таълим муассасаларида мuddатли ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.



Аслида йигитнинг айтган сўзи қасамдек янграшини яхши биламиз. Аммо Ватан ва халқ олдидаги ҳарбий қасамёд уларни доим сергақликка, ўз хизмат вазифасини сикдикилдан бажаришга ундайди. Ушбу маросим ҳар бир мuddатли ҳарбий хизматчи ҳаётида ўчмас из қолдиради.

Бу галги қасамёд Миллий гвардия сафига қабул қилинган ўғлонлар учун унутилмас воқеаларга бой бўлди. Юртимизда илк бор мuddатли ҳарбий хизматчиларга давлатимиз раҳбари номидан “Темур тузуклари” ва “Ўзбекистон тарихи” китоблари совға қилинди. Китоблар улгарга мардлик, жасорат, Ватанга муҳаббат ва садоқатдан сабоқ беради, албатта. Шу билан бирга, буюк тарихимизни ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Тадбир якунида Фахрий қоровул кўшиқларининг кўрғазмали чиқишлари, ҳарбий оркестр ҳамда эл ардоғидаги санъаткорларнинг дилрабо куй-кўшиқлари мuddатли ҳарбий хизматчилар ва уларнинг яқинларига хуш кайфият улашди.

Дилёр ЧИНАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Матбуот хизмати катта офицери



Очиқ юзлилик, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узокрокда бўлишга интилдим.

“Темур тузуклари”дан

СОҲИБҚИРОН ЯРАТГАН БОҒЛАР

ҳарбий юришлар турган бўлса, эндиликда мамлакатда хотиржамлик ўрнатилган...

Кўриниб турибдики, Соҳибқирон давлатни бошқариш, фуқаронинг турмуш шароитини яхшилаш ишларида ўз атрофидагиларнинг жўяли маслаҳатларидан ҳам ўзини фойдаланган...

Амир Темур Мовароуннахрнинг тиклашини курултойлар ўтказишдан бошлаган. Унда шахзодалар, амалдорлар, амирлар, лашкарбошилар, олим уламолар катнашиб...

Соҳибқироннинг дину диёнати, илм аҳлига муносабати халққа ва Ванганга муносабатининг узвий бир бўлагидир. У ислом динига катта меҳр-муҳаббат билан қараган...

У умр бўйи салтанат ва миллатнинг улуг мартабасини, совиқлигини сақламоқ ташвиши билан яшайди. “Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифингиздир. Йўқсилларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва озодлик дастурингиз ўлсун”...

Бобомиз нанки ўз юрти Мовароуннахрда, балки ўзи фатҳ этган мамлакатларда ҳам адолатни тиклади. Тижорат ишларини гуллаб-яшнади. Савдо қарвонлари хавфсизлигини таъминлади...

Амир Темур ўз давлатини софлик, ҳалоллик, ахлоқ-оқоб, поклик асосида қуришга бутун билими, куч ва таърибасини сарфлади. “Ҳеч қимга гизаб билан қаттиқ муомала қилмадим ва ҳеч ишда танглик қилмадим, токи Тангри таолонинг газабига дучор бўлмасин ва ишми бузиб, ҳолими танг айламасин деб”...

Ғулжон ТОҒАЕВ, Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти ўқитувчиси

Боғи Балаанд. Самарқанд шаҳри шимолидаги Чўпонота макбараси яқинида жойлашган. Уни барпо қилиш учун Эрон, Озарбайжон ва бошқа мамлакатлардан уста меъморлар таклиф қилинган...

Боғи Бехишт. 1378 йилда Темурнинг суюкли хотини Хайрунисо шарафига барпо этилган. Боғ ўртасидаги атрофи хандак билан муҳофаза этилган сунъий тепалик устида оқ мраммардан хашаматли сарой қад ростлаганди...

Боғи Давлатобод. Самарқанддан 13 километр жанубда жойлашган бўлиб, Соҳибқирон зафарли юришлардан қайтган, шу боғда дам олган ва элчиларин қабул қилган. У ерда тўртта ховуз, катта сарой бўлган, ариқлар оқиб ўтган...



Ифодалаган ва фақат пойтахт шаҳар номинини эмас, балки темурийлар давлатининг Мовароуннахр қисмини ҳам билдириб келган. Хуллас, учинчи бобда темурийлар

буйруққа кўра, бобосининг юрагиди бора губор, оғрик ва афсусни кўтаридиган жабр қиъани ёзиб берди. Шейр Соҳибқиронга маъқул келди. Ушбу лавҳа Амир Темур тарихисини Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”да битиб қолдирган...

Хуллас, маъқул боб Бобур Мирзонинг ҳолаваҷчаси, машҳур “Тарихи Рашидий” асарининг муаллифи Мирзо Хайдар зикри билан ақулланган. Умуман, Фахрий Хиранийнинг ушбу бобда шох ва шоир Бобури, унинг шоир, соҳибқирон фарзандларини ҳам фикрларда тасвирлаш таҳсинга лойиқ ижодий иш, деб баҳолаш ҳамда келажакда бу борада алоҳида тадқиқотни амалга ошириш мумкин.

Энди ушбу боб ҳақидаги таҳлил ва талқинларимизни темурийларнинг айрим вақиллари, хусусан, Абдулқосим Бобур, Муҳаммад Мўмин Мирзо ижодлари мисолида давом эттирсак. Қузатиқларимизга кўра, Фахрий Хираний учинчи бобнинг Абдулқосим Бобур ҳақидаги фикрасининг гўё зўр иштиғъ ва мароқ билан ёзгандек. Муаллиф уни отаси Бобурунинг Мирзо зикридан кейин тилга олар экан, фикрага унинг битта тасаввуфий руҳдаги рубоисини, “ас” радифига қурилган беш байтга газали ва “инист” радифига асосидаги газалининг учта байтини киритган.

Аммо биз бу талқинда диққатимизни унинг фикрада берилган шеърларига эмас, балки унинг кучли фаросати ва закийлигини кўрсатувчи завку мушоҳадага йўрилган бир ибратли ҳикоятини келтиришни лозим топдик.

Чунинчи, “Айттиларича, бир кун унинг олдиди шундай дейишди: “Хотам “Хотамнома” биносини қурган бўлиб, унинг киркати эшиги бор экан. Ва агар тиланчи ҳамма эшикдан тиланса ҳам, Хотам унга эҳсон билан мулоимлик кўрсатар экан”.

Абдулқосим Бобур деган эканлар: “Агар биринчи эшикда тиланчига керагича берганда эди, кейинги эшикка эҳтиёж бўлмади эди. Умуман, мумтоз адабиётимизда Хотам ҳақида тасвирлар, ишоралар кўп, бироқ Абдулқосим Бобурнинг таваққури келгани Хотам фаолияти билдирган муносабатда ўз инъикосини топган.

Манбаларда ҳам Абдулқосим Бобур саҳий ҳукмдор, ҳиммат ва муравватчи

Боғи Дилқушо. 1397 йилда Амир Темур хотинларидан бири — Туқалхоним шарафига қурилган. У Самарқанддан 5 километр шарқда — қадимги Ғиждувон қишлоғи ўрнида жойлашган. Чор тарафи балаанд паҳса девор билан ўралган. Боғ марказида эса, хашаматли сарой қад ростлаган. Сарой уч қаватли бўлиб, ҳар қаватида фаввора отилиб турган. Бу гўзал ишшоотнинг деворларига бобомиз жангу жадалларидан лавҳалар чиздирган.



Боғи Жаҳоннома Зарафшон тоғи эгидида (ҳозирги Ургут туманига тўғри келди) жойлашган. Жуда катта ҳудудни эгаллаган. Ичида сарой ва калъа бўлган.

Боғи Майдон. Самарқанднинг шимолидаги Чўпонота тепалиги эгидида жойлашган. Тарихий манбаларга кўра, боғда хашаматли айвон ва қимбатбахо тошлардан ясалган тахт бўлган. Мирзо Улуғбек бу боғни янада обод қилган.

Боғи Нав. 1404 йилда Самарқанднинг жанубида бунёд этилган. Тўртбурчак шаклида бўлиб, атрофи балаанд паҳса девор билан ўралган, ҳар бурчагида минора қад қўтариб турган. Марказида бошқа боғлардигидан кўра каттароқ қаср ва кенг ховуз бўлган.

Боғи Шамол. Соҳибқирон 1397 йилда набираси (Миршоҳнинг кизи)га атаб қуридиган. Самарқанднинг ғарбида жойлашган. Ундаги сарой тўртбурчак шаклда бўлиб, деворлари мраммар билан қопланган, саҳни эса, қорағоёқ ва фил суягидан ишланган.

СИЁСАТДА ОДИЛ ВА ҲАЛОЛ ЭДИ

Темурунинг ҳеч ўчмас изи қолибди, Боғи, иморати, сўзи қолибди.

Абдулла Орипов

Тарих — серқирра, кўп қатламли, кенг қўламли, мураккаб ҳаётий жараёнлар таърифий таҳлилини мужассамлаштирган жаҳоний фан.

Ватан тарихи, халқ тарихи, миллат, шажара, оида ва уларни ҳаракатда келтирадиган айрим шахслар фаолияти натижасида тарих вужудга келиб, бутун бир тараккиёт даврини юзга келтирди. Шаҳс, оламзод — ҳақиқатга, озодлик ва эрк учун курашчи бўлгани боис, шу тараккиётга эришди ҳам! У ижтимоий ва сиёсий, иқтисодий адолатни қарор топтиради.

Тарихда ўнлаб, юзлаб инсонлар борки, ҳақиқат чироғи уларнинг ҳаётию келажакини нурга тўлдирган. Соҳибқирон Амир Темур ҳам тарих майдонига адолатни қарор топтириш, миллати мустақиллигини қўлга киритиш ва халқ фаровонлигини таъминлаш учун келганди.

Амир Темур давлатни раванқ топтиришда



илм-фаннинг аҳамияти нақадар буюклигини дилдан ҳис қилган. Шу сабаб олим уламоларга катта иззат-иқром қўрсатган. Ўзи ҳам фалакиёт, тиббиёт, меъморчилик, математика илмларидан хабардор бўлган. Шахматни яхши билган, тарихни, айниқса, ҳарбий тарихни севиб ўрганган. Темурбек билан юзма-юз суҳбатлашишга муяссар бўлган таникли араб файласуфи Ибн Холдуннинг таъкидлашича, жаҳонгир турк, араб, форс халқлари тарихини чуқур ўрганган, диний, дунёвий ва фалсафий билимларининг энг мураккаб жиҳатларини яхши ўзлаштирган. Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”-сида ёзилишича, Амир Темур олим уламо билан ўтказган бир учрашувиди: “Фан ва диннинг машҳур кишилари ўз насихатлари билан қадимда подшоҳларга ёрдам бериб келган. Сизлар эса, менга нисбатан бундай қилмайсизлар. Менинг мақсадим мамлакатда адолат ўрнатиб, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир. Сизлар бу ишларни амалга оширишда менга ўз маслаҳатингиз билан қўмақлашингиз керак. Мамлакатнинг аҳволи, девоннинг сунистеъмол қилингани ва қилинаётгани, оддий одамларнинг жойлардаги ҳокимлар томонидан қисиб қўйилиши каби ҳолатлар ҳаммадан кўра сизларга аёнدير. Шулар ҳақида маълумот берсангизлар, бу каби адолатсиз ишларни бартараф этувчи ҳамда шарият ва қонунларга мувофиқ чора-тадбирларни айтсангизлар яхши бўларди. Агар олдин бизнинг диққат-эътиборимизда ўзга мамлакатларни ишғол қилиш учун бўлган

Маълумки, тарихий манбаларда Соҳибқирон Амир Темур ва темурийларнинг бадий адабиётга, сўз санъати ҳамда бошқа санъат турларига эътибори, яратган мактаблари, ташкил қилган кутубхоналари, улар ҳомийлигида ёзилган асарлар ёки уларга атаб битилган китоблар ва уларнинг қалам аҳли учун ажратган маблағлари ҳамда шеър айтишга бўлган иқтидорлари, фикрлари алоҳида ҳурмат билан битилган ва темурийлар ренессанси, деб эътироф қилинган.

“РАВЗАТ УС-САЛОТИН”ДА АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ЗИКРИ

Уларнинг бу каби олмос кирраларини ёритиб, кўрсатиб берувчи тарихий маълумот, шарҳ ва лавҳаларни таъкир китобларида битиб қолдирган мумтоз адабиётимиз тарихида ўзгача усул бўлиб, бу усулни биринчилардан бўлиб Алишер Навоий бошлаб берган. Улуғ шоирнинг бу янгича усули унинг “Маҷолис ун-нафос” таъкирасида яққол кўринади. Таъкиранинг мажмуа характеридидаги еттинчи маҷлис Амир Темур ҳамда илгирима бир нафар темурийга, саккизинчи маҷлиси эса мусоҳиби, дўсти Султон Хусайн Бойқаронинг бой адабий, илмий меросига бағишланган.

Еттинчи маҷлисда у темурийларнинг ҳар бирини алоҳида фикрларда тилга олар экан, ижодларидан намуналар келтиргани, уларнинг бадий маҳоратлари хусусида ўзининг адабий-танқидий фикрлари, тасвирларини ҳам билдиргани, намуна қилиб кўрсатиб ўтгани ёки баъзиларининг ижодига катта умид боғлагани билан боғлиқ тарихий, адабий ҳодисалар адабиётшунослик фанида маълум ва машҳурдир.

Темурийлар сулоласининг сўз санъати, шеърят билан ошнолигини кўрсатувчи ишончли манбалардан яна бири — бу Фахрий Хиранийнинг 1551-1555 йилларда форс тилида ёзилган “Равзат ус-салотин” (“Султонлар боғи”) номи таъкирасидир. У ушбу нодир асарини Алишер Навоийнинг “Маҷолис ун-нафос” таъкираси таъкирида битган. Ўзбекистонда ушбу таъкиранинг форс тилидан ўзбек тилига илк марта тўлиқ таржимаси истеъдодли олим Жалолидин Жўраев томонидан амалга

оширилган ва нашр қилинган (Тошкент. “Мумтоз сўз”, 2014).

Фахрий Хиранийнинг ушбу нодир китоби фақат султонлар, подшоҳ хондонининг ижодкор вақиллари ҳамда амир шоирлар ҳақидадир. Асарнинг бу хусусияти эса китобнинг номиди ҳам сезилади. Таъкира жами етти маҷлистан иборат бўлиб, муаллиф унда юзга яқин султон ва амир шоирларни тилга олган. У устози Алишер Навоийни амир шоирлар зикрида тилга олиш билан бирга, унинг бир анъанасини давом эттириб, “Равзат ус-салотин” таъкирасининг учинчи бобини Соҳибқирон Амир Темур ва темурий султонларга бағишлаган.

Ўрганишимизга кўра, Фахрий Хираний китобининг учинчи бобига темурийлар сулоласининг 36 нафар вақилини киритган. У бир томондан, манба сифатида Алишер Навоийнинг “Маҷолис ун-нафос” таъкираси ва Бобурнинг “Бобурнома” мемуаридан унумли фойдаланган.

Масалан, таъкирада берилган Мирзо Улуғбек зикри Алишер Навоий таъкирасидан олдин, бу ҳақда Фахрий Хиранийнинг ўзи оқиб билан “... Алишер Навоий “Таъкират уш-шуаро” (“Маҷолис ун-нафос” назарда тутилган — Б.Р.)да унинг аҳволини мана бундай баён қилган”, деб таъкирлаб ҳам ўтган. Иккинчи

тарафдан эса, унинг ўзи ҳам учинчи бобда шонли сулоланинг янги вақиллари номини зикр қилган, фикрлари исботи учун уларнинг ижодлари билан боғлиқ қизқаркли ҳаётий лавҳаларини ва ибратомуз ҳикоятларини тасвир қилиб келтирган.

Демак, Фахрий Хираний ушбу китобининг учинчи бобини “Шеърга майл қўрсатган ва шеър айтган Самарқанд Хуросоннинг Амир Темур Кўрагон алолдиган султонлари зикрида” деб номлаган.

Аммо шу ўринда боб номида тилга олинган Самарқанд сўзига озгина изох бериб ўтишни лозим деб билдик. Чунки боб номида муаллиф ишлатган Самарқанд топоними бутуннинг маъносини қисмда (бу ўринда маъно кўчишини сандоҳа усули қўлланган — Б.Р.)



давлати бошқарувида бўлган Мовароуннахр ва Хуросон давлатида тахтда бўлган ёхуд вилоятларни бошқарган 36 нафар темурий султонни алоҳида фикрларда ёдга олган ҳамда бу фикрлари билан келажак авлод учун ниҳоятда бой тарихий, адабий меросни ёзиб қолдирган.

Учинчи бобнинг тузилishi ўзига хос — Соҳибқирон Амир Темур алоҳида фикрада зикр қилинмаган. Аммо ворислари зикрида Амир Темур Кўрагон, Соҳибқирон Амир Темур номлари билан ёдга олинган ва Онҳазрат шаклида хитоблар ҳам қўлланган. Масалан, унинг вафотидан кейин Самарқанд тахтида ўтириб, Мовароуннахрнинг беш илб бошқарган темурийзода Халил Султон номи билан бошланган дастлабки фикрада адолат ва қудрат тимсолнинг қаламга-қалам ходисаси тасвирланган: “Султон Аҳмад Бағдодда мағрурлик мартабаси ва сипоҳлик кийимини устига ташлаган вақтда Амир Темурга бир китъа йўлдайдил... ва Онҳазрат китъани эшитиб, ниҳоятда газабланиди, афсусланиб дейди: “Агар менда назм қобилияти бўлганда, унга жавоб ёзган бўлардим”. Ва буюрди: “Менинг фарзандларимдан қай бири бунга жавоб йўлдай олади”. Невараси Халил Султон бу

Бурбия РАЖАБОВА, ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти катта илмий ходими, филология фанлари номзоди. ЎЗА



10-APREL — ABDULLA QODIRIY TAVALLUD TOPGAN KUN

QODIRIY QURGAN DUNYO



“Qaysi millat ravnaq-u taraqqiyotini istasa, tarixini bilishi lozim. Zero, tarix bir ko'zguga o'xshaydi, har bir qavm o'zining ahvoli va ijtimoiy hayot qoidalarini unda ko'rib, yaxshini yomondan farq qiladigan bo'ladi”, — degan edi Abdurauif Filrat.

Barchamizga ayonki, buyuk tariximizni to'sgan qora pardalar olib tashlandi. Millatimizning suyuqlik farzandlarini dushman deb ko'rsatishga uringanlarning nomlari “qora”ligicha qoldi. Elparvarlarimizning esa, hamisha yuzlari yorug'! Ana shunday insonlardan biri Abdulla Qodiriydir.

“Men haqiqat yo'lida hech qanday jazodan, qiynoqdan qo'rqmayman, agar otmoqchi bo'lsalar ko'kragimni kerib turaman” — degan so'zlari adibning shaxsiyatiga asl bahoni beradi. Haq so'zni gapirgan, so'nggi nafasigacha millatim deya yashagan Qodiriyning hayot yo'lini o'rganish bizni saodat sari yetaklaydi. Uning tani tuproqqa erta kelgan bo'lsa-da, yaratgan ijod dunyosi orqali kitobxonlar qalbidagi yashayveradi. Quyida ulug' adib haqidagi samimiy fikrlarni siz, aziz gazetxonlar bilan o'rtoqlashmoqchimiz.

O'zbek onasi yaqin o'rtada ikkinchi Abdulla Qodiriyning tug'masa kerak.

CHO'LPO'N

Abdulla Qodiriy yuksak irodali, sohibi qalb inson, ulug' yozuvchi edi. Jahon adabiyotida uslub jihatidan farq qiladigan beshta romanchilik maktabi sayqallanib ko'zga tashlanib turadi. Ular ingliz, fransuz, nemis, rus, hind romanchilik maktablardir. Endilikda oltinchi romanchilik maktabi yaratildi. Bu maktabni yaratgan Abdulla Qodiriydir.

Ye. E. BERTELS

Abdulla Qodiriy ijodi va siymosi o'zbek adabiyoti tarixidagi eng yuksak va viqorli qoyalardan biridir.

Abdulla ORIPOV

Abdulla Qodiriy jahon bilgich, jahon kamtar, xushshabot va bor-yo'g'i butun sajiyasi siymosidan ayon, bir gaplik, o'ziga o'ta ishongan, zabardast qalamkash edi.

MIRTEMIR

Abdulla Qodiriy xalqimiz ichra maqbul va mashhur bo'lgan yozuvchilardan. U qalami o'kir, ilm-ma'rifatga o'ch, sohibi ilmlarni nihoyat ehtirov etuvchi shaxs erdi. Qanchalik shuhrat qozongan bo'lmasin, zinhor kibriga berilmagan, g'oyat kamtar, ischimi, dehqonmi, mardlikormi, ziyolimi, mansabdormi — hammaga barobar qarovchi inson edi.

Ziyoddinxan BOBOXON

Dunyoda Abdulla Qodiriydek baxtiqaro yozuvchi kam bo'ladi. Mustabid sho'ro jallodlari uni qatag'on qildilar, ming bora jabr ko'rsatdilar, oxiri o'ldirib qutildilar. Dunyoda Abdulla Qodiriydek baxtiyor yozuvchi ham kamdan-kam bo'ladi. Har qanday qatag'onlarga, qamoqqa tiqilish va sur-gun bo'lish xavfiga qaramay, kitobxonlar “O'tkan kunlar”ni o'qiyverdilar, o'qiyverdilar, o'qiyverdilar! Bu yuz minglab oddiy insonlar, oddiy o'quvchilarning zo'ravonlik tuzumiga qarshi o'ziga xos isyonidir!

O'kir HOSHIMOY

Ba'zan-ba'zan: Qodiriy jadedimi, sotsialistmi, demokratmi? — deb so'rab qolishadi yangi nasllarning vakillari. Bularning eng afzali, deb javob beraman.

Qodiriy — Qahramon! — deyman.
Qodiriy — Mahatma!

Ibrohim G'AFUROV

Qodiriy qisqagina umrini o'zbek xalqi milliy qadriyatlarini to'liq ravishda keyingi avlodga — bizga bebaho meros qilib qoldirishga bag'ishladi.

Omonulla MADAYEV

Abdulla Qodiriy iste'dodi — noyob. U jiddiy realistik tasvirdan sururli dialoglarga, jiddiy suhbatlardan yumoristik ko'rinishlarga bemaol o'ta oladi. Bu tovlanishlar ulkan iste'dodning kamyob fazilatlardir.

Usmon AZIM

Abdulla Qodiriy inson sharafiga g'uldar bo'lish an'anasiga, or-nomus, uyat kabi muqaddas tuyg'ularning adomiyat qalbidan abadiy maskan topishini orzu qilgan, butun ijodi, butun umri bilan shu maqsad sari chorlab o'tgan ulug' san'atkor edi.

Xayriddin SULTONOV

Ishonch bilan aytish kerakki, Abdulla Qodiriy qarog'u vodiya qolgan xalqimizga yorug' yo'l ko'rsata oldi.

Bo'ra qori BO'TAKO'Z

Sevimli adibimiz Abdulla Qodiriyning abadiy va publisistik asarlari xalqimiz ma'naviyatini, basiratini, dastmandiligini, hayotga falsafiy qarashini, darsiga qadrdushunos, qalbiyatiga mehribonlik ekanligini tom ma'noda o'qituvchi so'z ma'danidan yasalgan ko'zqudir.

Sirojiddin AHMAD

Ro'ziqul OCHILOV tayyorladi.

MUALLIFGA MAKTUB

Bu olamni muvozanatga solib turgan, insonlarni bir-biriga ipsiz bog'lovchi vosita ham, o'ziga ohanrabodek tortuvchi ham mehr tuyg'usidir. Vaqtlar o'tadi. Ammo bu tuyg'u eskirmaydi. Yosh-u qari unga birdek intilib yashayveradi. Chingiz og'a, “Birinchii muallim” qissangizni o'qir ekanman, juda ta'sirlandim. Undagi qahramonlarga tahsin o'qidim, ba'zida rahmim keldi. Ayrimlariga nisbatan g'azabni tuydim. Ularning taqdirini o'zgartirgim keldi. Balki, sizning buyuklik siringiz ham shundadir. Inson sinoatlarini, inson ekanini ochib berib, hayot tilsimlaridan barchani boxabar qilish — ustasining ishi.

“BIRINCHI MUALLIM”NING BIRINCHI MUHABBATI

Oltinoy — soddagina, murg'ak, o'n to'rt yoshli qiz. Savodi u qadar bo'lmasa ham, jonbozlik ko'rsatib, qishloq bolalari uchun kuyinib, qo'lidan kelgan bilim berishga harakat qilayotgan ustoz Dyushenni ulug' siymo sifatida ko'radi. Qiz shirinoz, bir chimdini mehr gadosi. Hayot daryosida oqib, taqdir yo'lidan borayotgan, munavvar kunlar uchun kurashayotgan qishloqning oddiy qizi. Qalb sof tuyg'ularga to'la. Go'daklik chog'idan bu sho'rlik qiz faqat dakki yeb o'sganidanni, notanish bir odam: “Es-hushli qiz ekansan”, deya erkalgani uchun Dyushenni bir ko'rishdayoq yoqtirib qoladi. O'zining butun hayotiga yorug'lik bag'ishlovchi nur paydo bo'lganini his qiladi.

Oltinoy dastlab mehr ilinjida Dyushenga talpindi. O'zining maktabga borishiga umuman ishonchi bo'lmagan Oltinoy uyma-uy yurgan bu yigitning o'z hovlisiga ham kirishini juda xohladi. Kelinoyisi uni maktabga jo'natishidan butunlay umidsiz. Shunchaki, Dyushen uni ko'rsa, shu uyda yashashni bilsa, bas.

Dyushen atrofdagi ba'zi qishloq odamlarining noo'rin malomatlariga qaramasdan bolalar o'qishi uchun astoydil harakat qiladi. Har bir bolaning yoniga kelib, qalam ushlab o'rgatib, ularga turli qiziqarli hikoyalarni ishtiyok bilan aytib, sabr-toqat bilan bilim bera boshladi. O'zi zo'rg'a hijjalab o'qiydigan bu chalasavod yigitning shunday buyuk ishga bel bog'laganiga hayron qolgan kishi. Axir uning qo'lida birona darslik, hatto oddiy alifbo ham yo'q. Ota-buvalari, yetti pushti xat-savodsiz bo'lgan bolalarni o'qitish oson emas. U qahramonlik ko'rsatdi-yu, lekin bundan o'zi bexabar. Ha, bu chin qahramonlik edi.



Nega deganda, o'sha kezlarda ovulidan boshqa joyini ko'rmagan qirg'iz bolalari ko'z o'ngida misli yangi dunyo paydo bo'ldi.

Ammo ta'lim qiyn. Birinchi qor tushguncha tepaning etagida shildirab oqib turgan ariqdan qo'l ushlabib kechib o'tishdi. So'ng ariqning suvi oyoqni kesib yuboradigan darajada sovuq bo'lib, kichkina bolalarning ko'zidan tirqirab yosh ham chiqib ketdi. Dyushen bolalarni galmagal, bittasini yelkasiga olib, ikkinchisining qo'lida ko'tarib ariqdan o'tkazardi.

Chingiz og'a, Dyushen va Oltinoy munosabatini toza zilol suvidek pok va samimiy tasvirlagansiz. Taqdir Oltinoyni og'ir sinovga duchor etdi. Uning nomusi, g'ururi toptalsa-da, hayot yana unga imkon berdi.

Oltinoy, kechir meni, seni kulfatlardan saqlay olmadim, kechir meni. Sen kechirganing bilan, Oltinoy, baribir o'zimdanda domangir bo'lib yuraman”.

MULOHAZA UCHUN MAVZU

QUSH UYASIDA KO'RGANINI QILADI, TALABA ESA...

Yumor boshqa san'atlar qatori inson ichki olamini poklaydi, hayotga bo'lgan qarashlarini yorqinlashtiradi. O'zbek qiziqchilik san'atining darg'alari — Yusufjon qiziq Shakarjonov, Muhiddin Darveshov, Xojiboy Tojiboyev kabi san'atkorlar sahnaga chiqishi bilan tomoshabinlar yuziga darhol yengil tabassum yugurgan. Bu ularning iqtidori va mahoratiga ko'rsatilgan yuksak hurmat namunasidir.

Bugun turli yumoristik guruhlari o'ylab topayotgan “ilmoqli” gaplar yoshlarning tiliga ko'chmoqda. Afsuski, ular ko'rsatayotgan tomoshalarda milliy madaniyatimiz ustidan kulish, sharqona qadriyatlarini behurmat qilish holatlariga ham duch kelyapmiz.

Yaqinda O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutining “Tornado” jamoasi tomonidan taqdim etilgan “Yangisidan ulashimiz” nomli konsert dasturini tomosha qilib, rostmana hayratlandim. Ijodkorlar garchand oliy o'quv yurtida tahsil olayotgan bo'lsa-da, lekin o'qib uqmagani shundoqqina ko'rinib turardi.

Dastur pantomima raqsidan boshlandi. Unda G'arbga taqlid kuchli. Asosiy qismga esa, jamoa qo'shtimoq ichidagi gaplar bilan o'tdi. Adabiy til me'yorlari necha marta buzilganini sanab, sanoqdan adash-

dim. “Tornado”chilarning bu xususda fikri boshqachaga o'xshaydi. Yo'qsa, “Hozirgi qizlar tug'ilishi bilan yurib ketadi”, “Har kimning ham yaxshi otni mingisi keladi”, “Shunday kiyinmasangiz qaramasdim”, degan beandisha gaplarni aytib, o'z onalari, opa-yu singillarining boshini egib qo'yarmidi.

Jaloliddin Rumi “Ichindagi ichindadir” asarida ma'naviyatli odamga shunday ta'rif bergan: “Ruh va jismning bir butunligi ma'naviyatning yaqqol misolidir. Ichimizdagi MEN sirtimizdan farq qilmasligiga erishishimiz lozim”.

O'zbekning do'ppisi-yu sunnat to'yini kalaka qilib, milliy qadriyatlar ustidan kulgan yoshlarni qanday qilib san'atkor, deiyish mumkin, axir?!

Harqalay, bu “san'atkor”lar haqiqiy san'atkorlarni ham e'tibordan chetda qoldirmadi. O'zbek xalq hikmatlari

degan nadomatida Dyushenning qalbi naqadar pok ekanini his qildim.

Oltinoy uchun ustoz yurgan yo'llar ham aziz. Agar bu izlar o'chmaganda bu so'qmoqdagi har qadamini o'pishga tayyor. Unga hayot bag'ishlagan, yangi orzu-umidlar hadya qilgan, yorug' dunyoni anglatgan o'sha kun, o'sha so'qmoq, o'sha yo'llar xayrli bo'lsin.

Qiz nihoyatda yosh. Shuning uchun ham u o'zida uyg'ongan muhabbat tuyg'usini vaqtida anglay olmadi. Dyushen uning oldida o'zini aybdor, hisoblaydi. Unga umuman o'ziga hayotni ravo ko'rdi. Oltinoyni shaharga o'qishga


kan teraklari misol juda yosh nihol edi. Ular birga bo'lmasdi. Ammo ular o'z yuraklariga yashirgan go'zal tuyg'ularga doimo sodiq qolishdi.

Chingiz og'a, siz ularni ayirmadingiz. Men ularni baxtli deb hisoblayman. Chunki ular qalb tug'yonlarini izhor qilmasalar ham, sof muhabbat nima ekanini his qildi.

Dyushen siymosini yaratishda qanchalik nozik tuyg'ular bilan yondashganingizga tahsin o'qiyman. Agar o'sha oniy lahzalarda taqdir inoyati ila poyezd to'xtab, bu ikki qalbn birlashtirganda, bu yigitning Oltinoyga izhori, taxminan, mana shunday bo'lardi:

— Oltinoy, esingdami, biz ekan teraklar. Ular naqadar, yosh va umidli. Bilaman, sening qalbingda ham olam-olam orzu-umidlaring bor. Men seni bir marta asray olmadim. Ammo endi sen baxtli bo'lishing uchun harakat qilaman. Qo'y, yig'lama, men haqimda o'ylama! Menga ishon! Sen, albatta baxtli bo'lasan, yorug' kunlar hali oldinda. Bor, hayot senga tayyorlab qo'ygan taqdiring tomon ildam qadam tashla!..”

Dinora YUSUPOVA, Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti talabasi



Lekin “Tornado”chilarning bu xususda fikri boshqachaga o'xshaydi. Yo'qsa, “Hozirgi qizlar tug'ilishi bilan yurib ketadi”, “Har kimning ham yaxshi otni mingisi keladi”, “Shunday kiyinmasangiz qaramasdim”, degan beandisha gaplarni aytib, o'z onalari, opa-yu singillarining boshini egib qo'yarmidi.

Jaloliddin Rumi “Ichindagi ichindadir” asarida ma'naviyatli odamga shunday ta'rif bergan: “Ruh va jismning bir butunligi ma'naviyatning yaqqol misolidir. Ichimizdagi MEN sirtimizdan farq qilmasligiga erishishimiz lozim”.

O'zbekning do'ppisi-yu sunnat to'yini kalaka qilib, milliy qadriyatlar ustidan kulgan yoshlarni qanday qilib san'atkor, deiyish mumkin, axir?!

Harqalay, bu “san'atkor”lar haqiqiy san'atkorlarni ham e'tibordan chetda qoldirmadi. O'zbek xalq hikmatlari

va maqollarini ularning tiliga shunday moslashtirdiki, yoqa ushlab qolasan, kishi. Qarang, “Toshkanni tarig'ini yegan chumchuq Makkadan ham qaytadi”, deb O'zbekiston xalq artisti Sherali Jo'rayevni “nishon”ga olishibdi-ya. “Tanovar”ni yengiltak raqqosalar qo'shig'i sifatida olib chiqqani-ku, hammasidan oshib tushdi. Beandishalik ham evi bilan-da!

Qush uyasida ko'rganini qiladi, deganlari rost. Bola san'atkorlarning harakatiga taqlid qilishi aniq. “Ommaviy madaniyat”ga qarshi kurashilayotgan bir paytda bu dardibalo o'zimizdan chiqib tursa, odamga og'ir botar ekan.

Talabalar tayyorlayotgan dastur va shoularga ta'lim muassasasi matusaddilari jiddiyroq e'tibor qaratsa, maqsadga muvofiq bo'lardi.

Sarvinoz SAKSONOVA

MUASSIS O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI MARKAZIY KENGASHI

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.

BOSH MUHARRIR Faxriddin KARIMOV TAHRIR HAY'ATI

Mansur Bekmurodov, Begmat Ochilov, Madamin Safarov, Azim Mirzajonov, Mehrnoz Abbasova, Ra'no Shodiyeva, Shodmonqul Salomov, Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari (“Молодежь Узбекистана”), Javlon Vafoyev — mas'ul kotib (“Yoshlar ovozi”), Yelena Kalinina — mas'ul kotib (“Молодежь Узбекистана”)

Navbatchi

Sherzod MAHMUDOV

Dizayner

Xurshid ABDULLAYEV


Tahririyat manzili: 100083, Toshkent,

Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Telefonlar: (71) 150-22-74,

(71) 233-95-97.

(71) 233-79-69 (faks)



“Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taqob.

Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Indeks: 203, 3203

Bahosi kelishilgan narxda.

Buyurtma G-413

Addi — 21611

Bosilgan topshirish vaqti — 21.00

Topshirildi — 23.13

O'z yakuni — 22.40

Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.